

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Телевизион технологиялари факультети

Компьютер графикаси ва дизайн кафедраси

«Ҳимояга рухсат»

“КГ ва Д” кафедра муdiri

Ф.М.Нуралиев

“_____” _____ 2012 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ДИЗАЙН
МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ
ҚЎЛЛАНМА ЯРАТИШ**

Битирувчи _____ Маликов Жамшид

ИМЗО

Рахбар _____ Тиллаева Мухаббат

ИМЗО

Такризчи _____ Закирова Сайёра

ИМЗО

ХФХ _____ Абдуллаева Сурайё

маслаҳатчи _____ ИМЗО

ТОШКЕНТ-2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Телевизион технологиялар факультети, «Компьютер графикаси
ва дизайн» кафедраси-«5525600 Махсу сиртқи Компьютер графикаси» йўналиши
«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудури _____

«____» _____ 2012 йил

Битирув малакавий иш учун

ТОПШИРИҚ

МАЛИКОВ ЖАМШИД ЮЛДАШЕВИЧ

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси: “Компьютер графикаси ва дизайн номли мутахассисликка кириш фанидан электрон ўқув қўлланма яратиш”
 2. Мавзу университетнинг 2012 йил «__» «_____» даги ____-сонли буйруғи билан тасдиқланган
 3. Ишни химояга топшириш муддати: 09 июнь 2012 йил.
 4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Мавзу тасдиқланди, режа тузиб олинди ва материаллар йиғишга киришилди
 5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзмалар мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Flash технологиялар, мультимедиа тарифи, тушунчаси, келиб чиқиши, анимациялар тушунчаси, уларни хосил қила олиш, электрон қўлланмалар туза олиш, анимация хосил қиладиган дастурлар хилма хиллигига ишонч хосил қилиш, электрон ўқув қўлланмалар хақида тушунчага эга бўлиш.
 6. Электрон ўқув қўлланмалар яратувчи дастурлар рўйхати
-
7. Топшириқ берилган сана: «28» 02 2012 йил

Рахбар _____

ИМЗО

Топшириқ олдим _____

ИМЗО

8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

| Бўлим | Раҳбарнинг Ф.И.Ш | Имзо, сана | |
|--|---------------------|--------------------|-------------------|
| | | Топширик бердим | Топширик олдим |
| 1. Кириш | Тиллаева М.А. | 02.03.12 | |
| 2. Электрон ўқув қўлланмалар тушунчалари ва таърифлари. | Тиллаева М.А. | 12.03.12 | |
| 3.Электрон қўлланмалар яратиш-да ишлатиладиган дастурий воситалар таҳлили. | Тиллаева М.А. | 02.04.12 | |
| 4. Электрон қўлланмаларни яратиш технологияси. | Тиллаева М.А. | 17.04.12 | |
| 5.ХФХ. | Абдуллаева С.М. | 11.05.12 | |
| 6. Хулоса. | Тиллаева М.А. | 21.05.12 | |

9. Ишни бажариш графиги

| № | Иш бўлимлари номи | Бажариш муддати | Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси |
|----|---|-------------------|----------------------------------|
| 1. | Кириш | 02.03.12-10.03.12 | |
| 2. | Электрон ўқув қўлланманинг таърифи | 12.03.12-26.03.12 | |
| 3. | Электрон қўлланмалар яратиш-даги дастурий воситалар турлари | 28.03.12-04.04.12 | |
| 4. | Электрон қўлланмалар яратиш технологияси | 08.04.12-16.04.12 | |
| 5. | Хаёт фаолияти хавфсизлиги | 17.04.12-07.05.12 | |
| 6 | Хулоса | 21.05.12-29.05.12 | |

Битирувчи _____
ИМЗО

2012 йил " ____ " _____

Раҳбар _____
ИМЗО

2012 йил " ____ " _____

MAZMUNNOMA

Ушбу БМИ Олий ўқув юрларида электрон қўлланмалардан кенг қўламда фойдаланишга бағишланган. Унда бугунги кундаги долзарб мавзулардан бири анимацион тарзда яратилган, компьютер графикаси предметига оид бўлган ўқув қўлланма кўриниши, Flash технологиялар асосида яратилган.

АННОТАЦИЯ

Это выпускная квалификационная работа посвящена использованию электронных учебника, которые направлены широко применять в системах высшего образования. В этой работе один из самых важных вопросов в наше время - за счет увеличения электронно учебных программ, на Flash технологии.

SUMMARY

This work is devoted to exhaust qualification use of It is final qualifying work it is devoted use of the electronic textbook which are directed to apply widely in higher education systems. In this work one of the most important questions presently - at the expense of increase электронно curriculums, on Flash technologies.

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| Кириш..... | 6 |
| 1-Боб. ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТАЪРИФЛАРИ..... | 9 |
| 1.1. Электрон ўқув қўлланманинг таърифи..... | 9 |
| 1.2. Электрон қўлланмалар ва дарсликларинг тузилиши ва яратилиш таърифлари..... | 20 |
| Хулоса..... | 24 |
| 2-Боб. ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАР ЯРАТИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИ..... | 25 |
| 2.1. Электрон қўлланмалар яратишдаги дастурий воситалар турлари..... | 25 |
| 2.2. Электрон қўлланмалар яратишда мультимедиали технологиялардан фойдаланиш | 30 |
| Хулоса..... | 32 |
| 3-Боб. ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ..... | 33 |
| 3.1. Рекламали роликларни яратувчи дастурий воситалардан бўлмиш Macromedia Flash дастурига кириш..... | 34 |
| 3.2. Flash дастури асосида яратилган ўқув қўлланманинг тадбиқ этилиши..... | 51 |
| Хулоса..... | 55 |
| 4-Боб. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ | 56 |
| 4.1. Компьютер хоналарида иш жойига қўйиладиган эргономик талаблар..... | 56 |
| 4.2. Ёнғин хавфсизлиги..... | 58 |
| 4.3. Алоқа корхоналарини ёнғинга ва портлашга хавфи бўйича тоифаланиши..... | 59 |
| Хулоса..... | 62 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 63 |

КИРИШ

Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда Ўқув жараёнлари ва тижорат соҳалари фаолиятини тубдан ўзгартириш мақсадида Республикамизда янги ўзгаришлар ва ислохатлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 21 март ПҚ-1730-сонли “ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги қарорида ҳам шунга алоҳида эътибор бериб кетилган.

Ҳамкорликда анимацион электрон қўлланмалар, яратиш ва улардан биргаликда фойдаланиш ғояси мазкур монографияда ҳар томонлама батафсил ёритилган. Республикамизда ташкил қилинаётган ўқув марказлари учун электрон ўқув қўлланмалар яратиш жуда долзарбдир. Ҳозирги кунда глобал ахборот тармоқларининг кенг тарқалиб бориши билан ахборотларга алоҳида муносабат ҳамда улардан фойдаланишга бўлган интилишлар кўлами ҳам кенгайиб боради.

Ахборотлар оқимининг кундан-кунга ортиб бориши, турли шаклдаги ахборотларни яратиш, сақлаш, қидириш ва уларни ицъмолчиларга етказиб бериш кундан кунга мураккаблашиб бормоқда. Ахборотлардан фойдаланувчилар керакли ахборотларни тезлик билан қидириб топиш ва ўзларига мақбул шаклда бу ахборотларга эга бўлишлари учун ахборот ресурс марказларининг хоҳлайдилар.

Бугунги кунда яратилаётган анимацион дарсликларни, ўқув қўлланмаларни, маърузалар матнларини ва бошқа кўплаб воситаларни электрон шаклда кўчириб олиш зарурати туғилган. Шу сабабли ҳам замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб электрон ўқув қўлланмалардан ўқув жараёнидаги ўз ечимини кутиб турган долзарб масалалар сарасига киради. Бу ҳол танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади:

Фойдаланувчиларга таълим соҳасида, Flash технологияларга асосланган компьютер графикаси ва дизайн номли мутахассисликка кириш фанидан электрон ўқув қўлланма яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

Бунинг учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Электрон ўқув қўлланманинг таърифи.
2. Электрон дарсликларнинг ажралиб турувчи жиҳатлари.
3. Анимацион дастур бўлмиш Adobe Flash дастурини ўрганиш.
4. Электрон қўлланмалар яратишда мультимедиали технологиялардан фойдаланиш.
5. Мавзуга оид тушунча ва атамалар ўрганиб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Тадқиқот объекти сифатида ўқув жараёни, унинг предмети эса график турига кирувчи дастур Adobe Flash дастури танланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларидан замонавий кўринишларда акс эттадиган, электрон дарсликлар билан тўлдиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижасида яратиладиган электрон ўқув қўлланма, университет талабалари ҳамда профессор ўқитувчилари учун жуда муҳим ахборот манбаи бўлади.

Ишнинг ахборот таъминоти – Мавжуд электрон саҳифалари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар, адабиётлар. Чет эл тажрибаси ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинган материаллар ҳисобига ўрганилган.

Битирув малакавий иши кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Биринчи боб электрон ўқув қўлланмалар тушунчалари ва таърифлари тўхрисида таърифлаб бериб ўтилган.

Иккинчи боб электрон қўлланмалар яратишда ишлатиладиган дастурий воситалар таҳлили тушунчалари келтирилган.

Учинчи боб электрон қўлланмаларни яратиш технологиясиuf алоҳида тўхталиб ўтилган.

Тўртинчи боб ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалаларига қаратилган.

1-Боб. ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТАЪРИФЛАРИ.

1.1. Электрон ўқув қўлланманинг таърифи.

Замонавий таълим тараққиёти шундай имкониятларга эгаки, яратилган электрон қўлланмалардан, уйдаги шахсий компьютерларда, мустақил ишлаш учун жиҳозланган олийгоҳларда, компьютер синфларида, ётоқхоналарда, ихтисослаштирилган аудиторияларда фойдаланишимиз мумкин.

Экранлаштирилган ўқув адабиётининг бу жанри мутлоқо янгидир. Китобни худди фильм томоша қилгандек тушуниш мумкин. Бу жанрни янгилаш ҳам осон, ҳам қулай бўлиб, қидириш тизимига эга. У ўзида бой маълумотлар видео, картинка, маълумотномалар, матнлар жой олган.

Электрон ўқув қўлланма максимал даражада тушуниш ва тушунтирилишга эга бўлиши, инсон мияси, онгига нафақат эшитиш балки кўриш орқали етиб бориши, компьютер тушунтиришидан фойдаланиш керак. Ташкил қилувчи матнлар ҳажми чегараланган бўлиши керак.

Кўргазмалилик тушунчаси

Унинг турлари ва функциялари Я.Каменский VII асрдаёқ кўргазмалиликни шундай таърифлайди: ҳар бир нарсани ҳиссиётлар билан англаш, ўрганилаётган объектни ҳис-туйғулар орқали англаш, макет ва моделларни ўқувчилар орқали кузатиш, ўқитиш кўргазмалилигини аввал аниқ объектни англаш деб тушунилган, масалан: реал предмет ва ҳодисалар ўз бошланғич кўринишида машиналар моделлари, кўргазмали (тарқатма материал, жадваллар, ва айрим чизмали дастурлар, ўқув кинофильмлар. Замонавий дидактика шуни таъкидлайдики, кўргазмалилик тушунчаси бу нафақат конкрет визуал предметларга таяниш, балки моделларга ҳам модель - бу нима? Одатдаги кўргазмалиликдан фарқи нимада? Модель - бу объект ёки объектлар турларининг шартли кўриниши. Ўрганилаётган объектнинг

ташқи кўриниши хақида тасаввур ҳосил қилувчи натурал предметлар англатади. Модель эса фақат ҳодиса ва жараённинг айрим, зарур бўлган томонларини кўрсатади. Бу томонлар тўғри акс эттирилиши зарур, ўрганилаётган ҳодиса учун изоморф.

Ўрганиш воситари кўргазмали бўлиши учун ҳодиса моделга айланттилиши керак, унинг асосий хоссаларини кўрсатиш (яъни модель ўрганилаётган ҳодисага изоморф бўлиши керак), моделнинг тушунарлилигини таъминлайди. Моделлашни Давыдов кўргазмалиликни тўлдирувчи дидактик принцип деб талқин қилади.

Тасвирлар сони ва турлари

Электрон дастурнинг мақсади - ўқув материални ҳамма ютуқларини сақлаб қолиш эмас, балки компьютер орқали тасвир учун кўргазмаларни танлаш. Тасвирий материал тури ва сони қайси тартибда танланади.

Бизнингча, ўқув матни тушунилиши қийин жойида тасвир киритилади, кўшимча кўргазмали тасвир орқали мавзувий-мазмуний блокларининг уйғунлашиши ва тартиблашиши учун. Компьютер технология электрон дастурга ҳамма ахборотни сиғдириш мақсади қўйилмайди. Бу ўқувчини матн парчасини ўрганишдан чалғитади.

Гиперматнда ҳаракатли расмлар кўплиги, динамикаси бир чизиқлик билим олишни сусайтиради, бу анимация тўлиқ билим олишга ҳалақит беради.

Бир мавзуда нечта тасвир бўлиши керак?

Бу назарий ўқув дастурининг мазмуни ва характериға боғлиқ.

Кўргазмаларға бой бетлар ёки электрон матнлар кераклими?

Бир марта тасвир кўриб, кўп марта электрон матнни ўқигандан яхшироқ.

Мисол учун сиз юмуқ кўз билан нотаниш хонаға кириб, ёнингиздагидан хонани тасвирлашни сўрайсиз, унга 3-5 секунд ичида кўргани маъқул. Хонани тасвир воситаси орқали қандай тасаввур эса

бўлади? Тасвир сони ва бети аниқ белгиланмайди, қуйидаги факторлари асосланади:

- Ўқув матнини мазмуни ва характериға кўра;
- Ўқув услубига кўра;
- Ўқув муассасасига кўра.

Кўргазмали воситалар асосида ўқитиш таснифи. Мазмун ва характери бўйича тасниф 3 гуруҳга бўлинади:

1. Тасвирли кўргазмалиликка:

- расмлар репродукцияси;
- архитектура ва ҳайкатарошлик фоторепродукцияси;
- ўқув матнлар учун яратилган ўқув расмлар;
- ранг ва аппликациялар;
- видеопарчалар;
- аудиопарчалар;
- видеофильмлар киради.

2. Шартли-чизмали кўргазмалиликка:

- жадваллар;
- схемалар;
- блок-схемалар;
- диаграммалар;
- графиклар;
- хариталар;
- планшетлар киради.

3. Предметли кўрсатмалиликка:

- музей экспонатлари;
- макетлар;
- моделлар.

Жадваллар турлари.

Тасвирни оддий ва самарали воситаси бу жадваллар. Улар ёрдамида асосий мазмунни аниқлаш, ўрганилаётган материални осонлаштириш ва фикрни эслаб қолиш, тушунча ва қоидаларни умумлаштириш мумкин.

Динамик:

Доирали жадваллар - асосий чизма элементларидан бири бу доира. Услубий қиймати шундаки, материални композициясини енгиллаштиради, чегаралаштиради ва умумлаштиради.

Схема - материалнинг график кўриниши, ҳодисаларнинг айрим хоссалари шартли белгилар орқали берилади, алоқа ва мулоқотлар эса қисмларни ўзаро жойлаштирилиши ва икки томонлама кўрсаткичлар билан берилади.

Динамик — анимацион - объектнинг ҳаракати самарасини белгилашдир, турли статик жадвал тузишга имкон беради. Қулайлиги шундаки, материални қисмлаб бериш, оз-оздан, жадвални ўзгартириш имкони бор, бир элементни бошқаси билан ўзгартириш мумкин. Ҳаракатли жадвалларни қулайлиги ўрганиш ва мустақамлашга ёрдам беради.

Ўқув ахборотини тақсимлаш, чизма тасвир объектлашни тўғри танлаш ҳаракатнинг самарасига олиб келади. Турли қисмли узатишларни тарқатиш имкони компьютер технологиялар орқали бажарилади.

Блок-схема.

Тасвирнинг шартли-чизма турини кўриб чиқамиз. Схема бу материални чизма тасвири ҳодисалар қисмлари ва хоссалари шартли белгилар орқали берилади, алоқа ва мулоқотлар эса қисмларни ўзаро ўрнатилиши ва икки томонлама кўрсаткичлар орқали.

Жадваллар каби схемалар турли форматда бўлади, улар экран бетини қисмини эгаллайди, бутун бетни ёки бир неча бетли бўлади.

Чизма воситалар ёрдамида схемани яна шундай жихозласа бўлади:

- турли ранглар орқали;

- расмлар орқали;
- шрифтлар танлаш орқали;
- аниқ сонли қисмлар ва алоқалар орқали;
- схеманинг ҳаракатланиш самараси орқали;

Шартли-чизма кўргазмалиликка нафақат схемалар, балки график, диаграмма, аппликациялар, схемали расмлар киради.

Улар ходиса, воқеа, жараёнларнинг алоқа ва мулоқотларини аниқлашга ишлатилади, матн қисмини образли тасаввурини шакллантиради. Матниқий кетма-кетлик ва кўп объектларни тасвир орқали солиштириш ҳосил бўлади.

Схемалар бир неча турларга бўлинади:

Тушунча, жараён ва ходисаларни таркибий қисмларини кўрсатувчи мантиқий қисмлар мантиқий кетма-кетлигини аниқлайди.

Бошқа тасвирларни схематик тасвир билан таққослаш реал образ яратади.

Схемани аниқ тилга оид материал тўлдириши мумкин, лекин ҳажмини чегаралаш керак, чунки схема ортиқча юкланади, бу эса схеманинг қийматини йўқотади.

Гигиена нормасига келтирувчи схемалар енгиллашади, қачонки материал зич ўрнатилса ва шартли белгилар онгли жойлашса. Улар фикр ва диққатни жамлайди, мезонларини англатади, лекин аниқ хулосалар бермайди, фикрлаш фаоллиги талаб қилинади, мустақил, абстракт фикрлашга ундайди, қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

Тушунтирувчи сўзлар камроқ ишлатилиши юқори, пастки ва жой қолдириш ранглар рангбаранглигини йўқотиш.

Таркибий қисмлар сони ва алоқалар матн парчаси мазмуни ва характерига мос бўлиши керак.

Схемалар турлари:

Статик ва ҳаракатли

Анимация

Электрон дарслик босма ўқув материални барча томонларини сақлаш ва замонавий технологияларни қўллашга имкон беради. Динамик тасвирга статик тасвирни кўз олдига келтириш. Анимация бу ҳаракат самарасини жорий этиш жараёнидир.

Анимация тезликда узатишни таъминлайди.

- матн ахборотини қисмлаб беради;
- тасвир қисмларини сўзсиз ҳаракатинг жараёни;
- расм ҳаракати (сўзсиз);
- тарихий жанглр сўзсиз ҳаракатини;
- физик ва кимёвий жараёнлар;
- технологик жараёнлар техник конструкциялаш;
- табиий ҳодисалар жараёни;
- сиёсий ҳодисалар жараёни;
- социал ҳодисалар жараёни;

Анимация - объектлар ҳаракати ва ҳолларда сўзсиз ҳаракатларни чексиз ва амалий шароитлар яратади.

Анимация усуллари

Тасвирий кўргазмалиликни жорий этиш учун турли усуллар ишлатилади. Услубий томонидан олсак, тасвир эскизини жиҳозлаш ва яратишга оид усулларга тўхталамиз. Анимация самарасини қўллашда бир неча усуллар бор:

1. Устма-устлик усули. Статик тасвирни танлаб, муаллиф уни бир таркибий қисмга бўлади ва уларни бир - бирига устма-уст келиш таркибини белгилайди. Динамик тасвир самараси жорий этилади. Бу объект ҳаракатланмайди, лекин яшайди. Бундай тасвир йиғик ва образли тарзда қандайдир қаторни ёки ҳодиса кетма-кетлигини таърифлаш учун ишлатилади. Назарий материални қисмлаб жорий этиш усули секинлик билан жадвал тузишда ишлатилади. Умумлаштириш ва ўқув материални тизимлашда ёрдам беради.

2. «Кама» усули. Матн билан тўлдирилган жадвал олдини ёпик, кейин секинлик билан очилади. Жадвал узра қора қоғоз ҳаракати тасаввури пайдо бўлади, жадвални қисмларини секин-аста очиб беради.

3 . «Кенгликдаги ҳаракат» усули.

Устма-устлик усулидан фарқи шундаки, қадамлар кетма-кетлигини таърифлайди, тасвир учун танланган объект экран кенлигида ҳаракатланади. Кўз олди қаторини асосини расмлар ташкил этади, расм репродукция ўқув расмлари ва видеоқисмлар. Анимация ва ранглилик яхши таъсир беради. Ўқувчи диққатини жамловчи рангли экран кузатиш диапазонини чегаралайди. Кадрлар ўзаро боғлиқ, кетма-кетликда берилади, мустақил ва автоном. Айрим кадрлар имзоси йўқ, уларни улаш ва қўшиш имконияти бор, ҳар хил тарзда берилади, бир тасвир орқали турли услуб қўлланади. Қисмларни танлаш имконияти назарий ўқув материални танлаш имконияти назарий ўқув материални тушунтиришда қулай. Масалан, 3 расмли кадр берилди, бир абзац мазмунини тасвирловчи. Бу абзацни ўқишда кетма-кет 3 расмли кадр чиқарилади. Ўқув материални ўрганиш жараёнида тасвир сифатида анимация кадрлардан муаммоли саволлар узатиб, солиштириш жадваллари тузилади. Тасвирлар шархлар билан кузатилади.

Электрон ўқув қўлланмани қайта ишлаш методик кўрсаткичи.

Биринчи қадамда электрон ўқув қўлланмани қайта ишлаш учун нашриёт ёки электрон нашриёт танлаш керак.

- Тўла стандартланган дастурга мос келади;
- Гипертекстларни яратиши қулай;
- Масала ва мисоллари кўп;
- Қулай форматли.

Иккинчи қадам: нашриёт билан келишувни тасдиқлаш.(унга нархи ва сифати ҳам киради)

Учинчи қадам: кириш ҳақида. Яъни материаллар неча бўлимдан нима ҳақида эканлиги ҳақида.

Тўртинчи қадам: мавзуларни бўлимларга мослаб қўйилади. Модуляция ва гипертекст ўртасидаги алоқани аниқлаш.

Бешинчи қадам: гипертекст электрон форма кўринишда келади.

Олтинчи қадам: талабаларга ва ўқитувчиларга керакли бўлган, электрон ўқув қўлланмаси яратилади. Энди электрон ўқув қўлланмаси мультимедия ёрдамида кейинги мукамалликга тайёр бўлади.

Еттинчи қадам: текст мультимедия маълумотлари билан алмашади.

Саккизинчи қадам: овозли текст яратиш.

Тўққизинчи қадам: текстларни диктафонда ёзиб олиш учун компьютерда қайта ишланади.

Ўнинчи қадам: визуализацияли текст яратилади.

Электрон ўқув қўлланмани ишлатишга тайёрлаш.

Шу қадамларнинг ишлашига қуйидаги мундарижалар киради:

- Тестлаш;
- Кўрсатмани эксплуатация бўйича ёзиш.
- Методик таъминлашни қайта ишлаш.
- Маълумотни регистрацияга тайёрлаш.
- Электрон ўқув қўлланмасини химоялаш ва тарқатиш.

Электрон ўқув қўлланмани услубий таъминлаш

Агар электрон ўқув қўлланмани яратишда методик маълумотларни қайта ишлаш кўзатилмаса, ЭЎҚ қўлланма сифатидай ишлатилмайди. Замонавий ўқув маълумотларни янгилаштириш учун ҳаммада бир хил кириш имонияти бўлиши керак. Лекин ўқитувчиларнинг кўпчилиги янги технология билан ишлашга ҳали унча тайёр эмас. Чунки, бу янги технология яратилиши билан ўқув дастурларни, маърузаларни, амалиш ишларни ўзгартирилиши керак.

Охириги йилларда ўрта ва олий ўқув юртларидаги ўқув материалларининг ҳажми ва мураккаблигининг ошиши кузатилмоқда. Бу билан кўплаб ўқув даргоҳларида юқори малакали ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги кўзга ташланади. Кўпинча ўқув қўлланмаларнинг турли кўринишларини

тайёрлаш, ишлаб чиқиш ва тарқатишда қийинчиликлар пайдо бўлади. Кўрсатилган факторлар кадрлар тайёрлаш сифатини пасайтиради. Бунда таълимнинг ривожланиб боровчи усулини яратишга, жумладан, ҳисоблаш техникаларини жорий қилишга катта эътибор қаратилади. Бу ўқув жараёнининг сифати ва самарасини оширишга имкон яратади. Таълимнинг самарасини оширувчи шакллардан бири электрон дарсликлардан фойдаланишдир.

Ҳозирги вақтда электрон дарсликни кўплаб таърифлари мавжуд, улар қуйидагилар:

- Бу педагогик компьютер дастури бўлиб, аввало, босма нашрларни тўлдирувчи янги ахборотни ишлаб чиқаришга, яқка тартибда таълим олишга хизмат қилувчи ва чегараланган ҳолларда билим олишга имкон яратувчи дастурдир.
- Бу электрон ўқув босқичи давлат стандартлари ва ўқув дастурларига жавоб берувчи ва расмий тасдиқланган нашрдир.
- Бу информатсион, услубий ва дастурий маҳсулотнинг йиғиндиси бўлиб, у алоҳида бир фанни ўрганишга қаратилган ва одатда, мустақил билим олишга ва ўз билимини текширишга қаратилган саволлар, машқлардан иборат бўлади.
- Юқори илмий ва услубий даражада яратилган ўқув электрон наشري давлат ўқув стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Электрон дарсликлар қуйидаги асосий педагогик масалаларни ечишга имкон беради:

- Фаннинг моҳияти, асосий тушунчалари билан дастлабки танишув;
- Билимни баҳолаш ва назорат қилиш;
- Фаолиятнинг аниқ кўринишларидаги қобилиятни ривожлантириш;
- Билимни ва ақлни тиклаш.

Электрон дарсликлардан таълимнинг ихтиёрий босқичларида фойдаланиш мумкин: мактаб ва коллежларда, институт ва университетларда,

шунингдек, малака ошириш институтларида. Шунинг учун электрон дарсликлар кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқилади.

Электрон дарсликнинг икки кўриниши мавжуд:

1. Юқори динамик иллюстратив материалли дарслик. Мустақил ва ўзгармас фан соҳаси бўйича анъанавий дарсликка айланган, асосий материал билан бир қаторида интерактив, анимация ва мультипликация, шунингдек, видеотасвирни ўзида жамлаган дарсликдир. Бундай дарсликлар шахсий ёки локал компьютер тармоқларида ишлатилади ва CD-ROM ёрдамида ишга туширилади.

2. Internet-дарслик. Бунда ахборотнинг ташқи манбаларига компьютер тармоғидаги серверлардан бирида жойлашган очик ва мавжуд бўлган мурожаатлар тушунилади.

Электрон дарсликларнинг ажралиб турувчи жиҳатлари

Электрон ва босма дарсликлар орасидаги фарқларни кўриб чиқайлик.

Дарслик деганда, одатда, ўқувчи ёки талаба учун мўлжалланган аниқ бир фан соҳасига бағишланган билимларни тақдим этувчи материал тушунилади. Табиийки, электрон дарслик ҳам босма дарслик ҳам умумий жиҳатларга эга:

- Ўқув материали аниқ билим соҳасидан олинади;
- бу материал ҳозирги замон фан ва маданият ютуқлари даражасида ёритилади;

- дарсликлардаги материаллар дарсликнинг тўлиқлик билан таъминловчи кўплаб элементлардан иборат тугалланган асарни тақдим этади.

Шу ўринда электрон дарслик ва босма дарслик орасидаги фарқларни аниқлаб олиш зарур:

Электрон дарслик аниқ бир фан йўналиши бўйича мураккабликнинг бир неча даражаларидаги материалларни ўзида жамлаши мумкин. Фақатгина бир лазер-дискка жойланган электрон дарсликда матн билан бирга

иллюстрация, анимация ва интерактив усулидаги бир неча вазифалар ҳам берилиши мумкин.

1. Электрон дарсликларда мультимедия технологияларидан: анимация, овоз ва видеолавҳалардан фойдаланиш мумкин.

2. Электрон дарсликлар бир неча вариантлар, мураккабликнинг бир неча даражалари ва яна бир канча билимни текширувчи машқ ва тестлар билан ҳам таъминлай олади. Бунда берилган нотўғри жавоб учун тушунтиришлар ҳам берилади.

3. Электрон дарсликлар тузилишига кўра очик тизим ҳисобланади. Уларни таҳрирлаш, тўлдириш мумкин.

4. Электрон дарсликлар тузилиши жиҳатидан бир неча хил бўлиши мумкин. Масалан, дарсларда фойдаланиш учун мактаб программасига мос келувчи аниқ бир фан бўйича электрон дарслик тайёрлаш мумкин.

1.2.Электрон қўлланмалар ва дарсликларнинг тузилиши ва яратилиш тамойиллари.

Технологик нуқтаи назардан замонавий электрон дасрлик яратишга қўйиладиган талаб бу – ўқув дастурини камида интерактив ёки гиперматн кўринишда бўлишидир.

Электрон дасрликнинг асосий қисми – **Ахборот бўлими** ўқув материалининг қисқа шаклини намоён этган бўлиши ва унинг ҳар бир қисми назорат саволлари билан якунланиши лозим. Натижада электрон дарсликлар орқали ўқувчи ва компьютер орасида мулоқот ҳосил бўлади ҳамда бу ўқувчининг ўзлаштириш сифатини оширади. **Амалий иш бўлими** эса ўқувчи ва компьютер диалогини ҳосил қилиши лозим. Бу тарзда таълим олиш ўқувчига олган билимини мустаҳкамлаш имконини беради. Олинган билимлар **тест** усулида назорат қилинади. Бу бўлимда қўйилган саволга тўғри жавоб беришнинг баҳолаш усули қўлланилиши даркор. Тест охирида ўқувчи ўзининг натижаларидан хабардор бўлиши лозим.

Ҳозирда компьютерда яратилаётган ҳар бир маҳсулот аниқ ва пухта ишлаб чиқилган режасиз амалга оширилмайди. Ҳозирги кунимизда бунинг турли усуллари мавжуд, бу бир неча кетма-кетликлардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
2. Электрон дарслик тузилишини ишлаб чиқиш;
3. Дарсликнинг бўлимлар ва мавзулар бўйича тартибга солиш;
4. Электрон дарсликнинг алоҳида тузилишини ишлаб чиқиш;
5. Электрон дарсликларни қўллаш;
6. Электрон дарсликларни синовдан ўтказиш;
7. Синов натижаларига кўра дарслик таркибига тузатишлар киритиш;
8. Фойдаланувчилар учун услубий қўлланма тайёрлаш.

Мультимедиали хужжатлар билан ишлаш учун сизнинг компьютерингизда мультимедиа воситалари қандай берилганини ва

уларнинг энг кўп тарқалган форматлари қандайлиги ҳақида баъзи нарсаларни билишингиз керак. Умуман олганда, мультимедиали ҳужжатларни бериш учун имкониятлар матнли ҳужжатларга караганда анча кам. Аммо бу медиавоситаларнинг етарлича ишланмаган квазианалогли табиати туфайли файлларнинг ўлчами жуда чексиз катта бўлиб, тезда ортиб кетади ва шунинг учун сиқиш процедурасини бу воситаларни бевосита форматларнинг ўзига кирита бошлашди. Файл ўлчамини кичрайтириш бўйича оддий масалани еча туриб сиқиш дастурлари электрон кутубхонани ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлган баъзи салбий ҳодисаларга албатта олиб келади.

Электрон кутубхоналарда сақланаётган ҳужжатларнинг кўпчилиги асосан GIF, PNG ва JPEG форматларда сақланади. Биринчи иккита формат матн, расмлар ва логотиплар каби компьютерда яратилган тасвирларни кўрсатиш учун яради. JPEG формати фотопортретлар ва пейзажларга тааллуқли бўлган ярим тонли тасвирларни узатиш учун яратилган.

Электрон қўлланмалар ва дарсликлар яратиш тамойиллари.

Электрон дарсликнинг ананавий қоғоз дарсликдан қандай фарқи бор, электрон дарсликни яратишда қандай тамойилларга риоя қилиш лозим.

Электрон дарслик сифатида турли кўринишдаги ҳужжатлар (файллардан тортиб то ўқув материали жойлаштирилган web саҳифаларгачи) тушунилмоқда. Аслида электрон дарслик маълум бир тузилишга ва боғланишларга эга матнлардан иборат эмас. Электрон дарслик бу расмий равишда дарслик сифатида тасдиқланган, тушунарли тарзда баён қилинган ва маълум бир аудитория томонидан ўзлаштириш мумкин бўлган қўлланмадир. Электрон шаклда тақдим қилинган дарсликларнинг бир неча кўринишлари мавжуд.

- Сканерланган анаънавий дарслик;
- Гипербоғланишли анаънавий дарслик;
- Махсус ишлаб чиқилган дарслик.

Электрон дарсликларнинг қоғоз дарсликларга қараганда бир қатор афзалликлари мавжуд. Уларни электрон почта орқали олиб варақлаш мумкин, дискларда сақлаш мумкин, масофадан ўқиш мумкин, электрон дарсликларга тузатишлар ва айрим бобларини тезликда янгилаш мумкин.

Электрон дарсликларни яратишда бир неча муҳим тамойилларга риоя қилиш тавсия қилинади: Материал тугалланган кичик бўлимларга ажратилиши лозим (квантлаш тамойили);

- Кўргазмалилик;
- Бошқарувчанлик;
- Мослашувчанлик.

Махсус дастурий таъминот

Электрон дарслик яратиш харажатларини махсус дастурий воситалардан фойдаланиш ҳисобига сезиларли даражада камайтириш мумкин. Бундай дастурий комплекслардан бири e-University ҳисобланади. Унинг ёрдамида мультимедия дарсликларини e-Manual тизимдан фойдаланиб яратиш мумкин.

Тизим дарслик структурасини ва уннинг мазмунини (матн, иллюстрация, мультимедияли файллар, боғланишлар) яратиш имкониятига эга. e-University дастурий таъминот ёрдамида билимларнинг ягона базасини яратиш мумкин. Унинг таркибига базавий таъминот сифатида Microsoft Word, Adobe PDF, тақдимотлар, мультимедия маҳсулотлар (видео, аудио, flash-анимация), web-ресурсларга боғланишлар киради.

Замонавий ахборот технологиялар билан ишлашда ва маҳсулотларни ҳаётга тадбиқ қилишда жумладан ўқув жараёнида, ўқув қўлланмалар ишлаб чиқаришда рекламали роликларнинг орасига анимацион ҳаракатларни қўшиш ва баннерлар билан безатиш муҳим роль ўйнамоқда.

Товушлар, видео элементлар, тасвирлар ва матнлар билан ишлаш мультимедиа воситалари деб аталадиган махсус техник ва ускунавий қурилмалар билан амалга оширилади. Бундай техник воситалар билан жиҳозланган компьютер, мультимедиа - компьютер деб аталади.

„МУЛЬТИМЕДИА” атамасининг асосий маъноси мулти “муҳитни” англатади. Аммо «мультимедиа» тушунчасининг аниқ таърифи маълум эмас. Одатда, мультимедиа деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Айни вақтда бу аввало, товушлар, видео элементларни матнлар билан қайта ишловчи воситалардир. Шу билан бирга мултипликация (анимация) ва юқори сифатли графика ҳолларида ҳам мультимедиа ҳақида бемалол гапириш мумкин.

Жаҳон миқёсида назар соладиган бўлсак Компютер Графикаси ва Электрон Дизайн жуда ҳам кенг даражада ривожланган. Уларни амалда аллақачондан буён қўллаб келишмоқда. Лекин бу яратилаётган барча дастурлар, реклама роликлар, дизайнларнинг асосий қисми кинофилмлар, мултифилмлар, веб-сайтлар учун яратилмоқда. Махсус сайтларда мавзулаштирилган реклама роликларнинг камлиги, борларини ҳам аниқ бир фанни мавзуларини тўла ёритиб бера олмаслиги таълим соҳасига янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини эътироф этади. Лекин электрон дарсликлар ичига киритилган рекламали роликлардан ҳозирда графиканинг энг замонавий йўналиши бўлган роликларнинг яратилиши сайтларга ва шунга тегишли бўлган нарсаларга қизиқишни оширади. Тўғри бу соҳада кўп ишлар амалга оширилган. Дарсликларнинг мультимедиа шаклида ўтилиши ўқитувчиларга бир қанча қулайликлар туғдиради. Чунки, шу фанга мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (призентациялар), мултипликация кўринишида яратилган филмлар, анимациялар ва реклама роликлар бир томондан ўқитувчи учун енгиллик бўлса, иккинчи томондан ўқувчилар учун қизиқарли ва диққатини ўзига жалб қилади. Ва мавзуни яхши ўзлаштирилишига тurtки бўлади. Таълим соҳасининг мултимедиа кўринишида ўтказилишига сабаб ҳам шу. Чунончи, ўқувчи телевизорда қўйилаётган мултифилм ва реклама роликларини кўриш ўрнига дарсга боради, бу эса ўз-ўзидан мактабга янада қизиқишини оширади. Анимацияли ролик мавзуни ҳар жиҳатдан ўрганиб, кенг қамраб олишига қарамасдан уни ҳам камчиликлари бор. Хусусий ҳолда олиб

карайдиган бўлсак, физика ва кимё фанлари мавзулари учун ишланган роликлар ҳар бир физик, химик жараёни кўз илғамас томонларигача кўрсатиб бера олади, тушунтириб бера олади, бунга сабаб тингловчиларнинг баъзи психологик хусусиятлари эътиборга олинган. Масалан: Ҳаракатга эътибор - Бу ҳаракатланмаган объектга нисбатан ҳаракатланган объектнинг тезроқ эсда қолиши. Битта тасвирда 7 тадан 9 тагача объектларни эслаб қолиши. Ва бу тасвирда объектларни хоссалари ва объектлар аро ахборотни тўлиқ қамраб олиши, қолаверса бу ахборотни тўлалигича Ўзгармас ҳолида сақлаб қолиши.

Биринчи боб бўйича хулосалар.

Электрон дарсликларнинг бир қатор ютуқлари билан бир қаторда унинг камчиликлари ҳам бор. Биринчи навбатда иш жараёнини техник таъминоти – компьютерлар ёки электрон дарслик мавжуд бўлиши керак, акс ҳолда интерактив қўлланмадан фойдаланиб бўлмайди. Электрон қўлланмалардан фойдаланишга кўп ҳолларда компьютер саводхонлигининг паст бўлиши ҳам панд беради.

Электрон курслардан фойдаланишда билимларни ўзлаштиришнинг энг самарали усули ўқитувчи – ўқувчи орасидаги жонли мулоқот йўқолади. Жуда катта ахборотларни компьютер монитори орқали ўқиш инсон кўзларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Электрон қўлланмаларни яратиш жиддий режалаштириш, услубий тайёргарлик ва кўп вақт ҳамда маблағ талаб қилади. Электрон қўлланма яратишда фан ўқитувчиларидан ташқари турли соҳа мутахассислари жалб қилинади (педагоглар, психологлар, дизайнерлар ва бошқалар). Бу ҳолат дарслик яратиш харажатларини ошириб юборади. Бундан ташқари ҳар қандай электрон дарслик синовдан ўтказилиши керак. Ностандарт технологиялардан фойдаланиш (масалан 25-кадр) тақиқланади.

Интерактив таълимнинг бир қатор афзалликларига қарамай, у қоғоз қўлланмалар ўрнини тўлиқ боса олмайди.

2-Боб. ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛНАМАЛАР ЯРАТИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИ.

2.1. Электрон қўлланмалар яратишдаги дастурий воситалар турлари.

Электрон қўлланмаларни бир неча усула ва дастурий таъминотлар орқали шакллантириш йўллари бор. Қуйида биз электрон қўлланмалар яратиш мумкин бўлган дастурларга таъриф бериб ўтамыз.

HTML бу интернет тармоғидаги Web - серверида жойлаштирилган ҳужжатларни кўриш имкониятини берадиган саҳифалар яратишга мўлжалланган гиперматнни белгилаш тили ҳисобланади.

Ҳужжатни барча компютерлар тушунадиган ҳолда кўрсатиш учун, компютерларнинг тушунадиган ягона тилини билишга тўғри келади. Шу сабабли World Wide Web да қўлланиладиган HTML тили барпо этилди.

HTML - бу интернет тармоғидаги Web - серверида жойлаштирилган ҳужжатларни кўриш имкониятини берадиган саҳифалар яратишга мўлжалланган гиперматнни белгилаш тили ҳисобланади. Ҳужжатни барча компютерлар тушунадиган ҳолда кўрсатиш учун, компютерларнинг тушунадиган ягона тилини билишга тўхри келади. Шу сабабли World Wide Web да хўлланиладиган HTML тили барпо этилди ушбу тилни биринчи бўлиб Тим Бернерс Ли ишлаб чиқди. WWW системасидан қандайдир ҳужжат ёки хабар олсангиз, экранда яхши форматланган, ўқиш учун қулай матн пайдо бўлганлигини кўрасиз. Бу шуни англатадики, WWW ҳужжатларида маълумотларни экранда бошқариш имконияти ҳам мавжуд. Сиз фойдаланувчининг қайси компютерда ишлашини билмайсиз ва WWW ҳужжатлар аниқ бир компютер платформаларига мўлжалланган ёки қайсидир формат билан сақланишини олдиндан айта оламайсиз. Аммо компютерда ишлаётган фойдаланувчи қайси терминалда ишлашидан қатъий назар яхши форматланган ҳужжатни олиш керак бўлади. Бу муаммони HTML андаза тили хал қилади. У ҳужжатнинг тузилишини ифодоловчи унча мураккаб бўлмаган буйруқлар мажмуидан иборат. HTML буйруқлари орқали матнларнинг шаклини ўзгартириш, яъни матннинг маълум бир қисмини

ажратиб олиб бошқа файлга ёзиш ва бошқа жойдан турли хил рангли тасвирларни қўйиш мумкин. У бошқа хужжатлар билан боғлайдиган гиперматнли алоқаларга эга. HTML тилининг теглари. HTML тилининг асоси - теглар саналади. Бу теглар орқали саҳифадаги элементларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш мумкин. HTML саҳифаси қуйидаги теглар ва мос атрибутлардан ташкил топади. Барча теглар “< >” кавслари билан ёзилади. Масалан:

```
<html>
<head>
<title> KUTUBXONA WEB SAYTIDA KITOBXONLARNI RO'YHATGA
OLISH DASTURI </title>
</head>
<body>
<p> MENING BIRINCHI WEB SAHIFAM...! <BR> Djuraev Xasan </p>
</body>
</html>
```

бу ерда “< >” кавслари ичидаги матнлар теглар дъеилади. Юқоридаги теглар қуйидаги вазифаларга эга. <html> ушбу тег хужжатни очади ёки барпо қилади.

<head> - бу тег хужжатнинг боши ҳисобланади. (инглизча HEAD сўзидан олинган). Бу қисмга асосан ёрдамчи ахборотлар киритилади.

<title></title> - ушбу теглар хужжатни титул қисми ҳисобланади. (интернет эҳплорер ойнасининг юқоридаги системали меню сатрига қаранг).

</head> - ёпилувчи тег ёки хужжатнинг бош қисмини ёпади.

<body> - хужжатнинг тана қисми. (инглизча BODY сўзидан олинган.) Бу ерда қўиладиган ёки браузерда кўринадиган матннинг асосий қисми жойлашади.

<p> - бу тег параграф теги ҳисобланади. Яъни параграфларни белгилайди.

</p> - параграфнинг ёпилувчи теги.

</body> хужжатнинг тана қисмининг ёпилувчи теги.

`</html>` ушбу тег билан хужжат бутунлай ёпилади.

Илова: `</html>` тегидан къеинги киритилган матнлар этиборга олинмайди ва браузерда кўринмайди. Ушбу тег хужжатнинг охирига кўйилади.

Этибор берсангиз хужжатимиз бошловчи ва якунловчи (ёки очилувчи ва ёпилувчи) элементлардан ташкил топган. Баъзи элементлар фақат очилувчи тегга эга, ёпилувчи теги йўқ. Ёпилувчи элемент `</тег>` кўринишда бўлади, яъни очилувчи элементдан фақат символга фарқ қилади.

Java Script

Биринчи бор JavaScript 1995 чи йил ўртага чиқди. JavaScript 1995 йили ишлатилиши бошлади, аммо 1998 йилга келиб кенг қулланишга кирди. Унинг чиқишини асос сабабларидан бири бу Client томонидан бўладиган киритишларни текшириш учун, яни сервер томонида қилинадиган ишларни бир қисмини олиб ташлаш учун.

Лекин шунча вақт ўтгандан сўнг Java Script веб девелопментънинг энг асосларидан бири бўлиб қолди. Мисрософт компанияси хам ўзининг ссриптинг лангуаге яни Вбсриптни чиқарди аммо лекин уни кенг қўллаб бўлмас эди, сабаби Интернет Ехплореръдан бошқа хеч қайси Web Броузер уни ишлата олмасди. Къеин эса Мисрософт хам Интернет Эхплорер ичига JavaScriptъни кўшди. хозирги кунга келиб хамма Web Броузерлар JavaScriptни ишлата олади.

Java Script бу “ Client side programming ” яни кимки сахифангизни очса шу одамнинг томонида ишлайди. PHP, Perl, CGI, JSP лар каби серверда ишламайди. JavaScriptда сиз DHTML яни Дйнамис HTML сахифалари ёза оласиз. Бу дегани сизнинг қандайдир харакатингизга қараб иш қилиши, ва бошқалардир.

Java Scriptнинг асоси уч қисмдир булар:

1. ECMAScript
2. The Document Object Model (DOM)
3. The Browser Object Model (BOM)

ECMAScript: Бу Java Scriptнинг асоси, яни программалшидир, бу ҳеч қандай браузерга боғлиқ бўлмаган, ҳеч қандай сервер га боғлиқ бўлмаган қисмидир. Бунинг ичида буйруқлар, скрипт ёзиш усуллари, ўзгарувчан-ўзгармаслар, операторлар, калит сўзлар дир (syntax, types, keywords, operators, statements)

DOM (The Document Object Model): API (Application programming interface) for HTML and XML, яни программалар яратиш кўринишидир. Агар бошқа тилларда мисол учун Java ёки Delphi, Visual Basic да программалар ёзган бўлсангиз унда улар OOP Object Oriented Programming эди, уларда асос ва унинг ичида элементлари бор эди, бу ерда ҳам худди шундай тарифдир.

Мисолга қаранг:

```
<html>
  <head>
    <title>Sample Site</title>
  </head>
  <body>
    <h1> Test Page </h1>
  </body>
</html>
```

Мана юқоридаги мисолдан кўрганингиздек бу ерда документимизни объектларини ич ичида бўлганлигини чизиб кўрсатдик бу эса DOM дир.

```
< html > нинги ичида < head >
```

уни ичида < title > ва ҳкз. BOM (Browser Object Model) Бу веб браузер билан алоқали ишлардир.

PHP.

Электрон қўлланмаларни ана шу дастур орқали ҳам яратиш мумкин бўлади.

PHP – фаол Web-саҳифалар яратишга мўлжалланган интерпретицион тил ҳисобланади. PHP да ёзилган дастур JavaScript, VBScript ёки ASP даги матн каби HTML-файлга жойлаштирилади. Дастурнинг бошланиши ва тугалланиши `<?php` и `?>` махсус қавслар билан белгиланади. Бу қавслардан ташқаридаги матн интерпертация қилинмайди: у Web-браузерда “қандай бўлса шундайлигича” кўрсатилади.

PHP тили синтаксини Си, Java ва Perl тилларининг синтаксиси билан бир хил. PHP вируслар хужумидан “қийшиқ символлар” усулида ҳимоя қилинган. PHP асосида тузилган дастурлар WEB-сервер Apache билан Perl+Apache (RTFM) қараганда самаралироқ ишлайди. Бугунги кунда PHP WWW иловалари ва Интернетнинг маълумотлар базасига киришни таъминлайдиган интерфейслар яратадиган жуда қулай ва кучли восита ҳисобланади. PHP CGI интерфейсига эга бўлиб, тил интерпретатори ва WWW нинг турли объектларига киришни таъминловчи функциялар мажмуига эга.

MySQL

Яратилган электрон қўлланмаларни интернет тармоғига жойлаштириш учун дастурлар яратиш соҳасида MySQL ва SQL ўзининг энг яхши томонларини кўрсата олди. Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам маълумотлар базасини бошқариш тизимига ҳам ўзига хос талаблар қўйилмоқда.

Сервер маълумотлар базаси Интернетда бир қатор функцияларни бажариши мумкин. Ҳар қандай веб - саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин. Масалан, ўз катталогини WWW да эълон қилмоқчи бўлган ва Интернет орқали буюртмалар қабул қилиш жараёнини қарайлик. Агар каталог HTML-файллар шаклида эълон қилинса, янги товар пайдо бўлганда ва у каталогга киритилиши керак бўлганда ёки нарх ўзгарганда

кимдир каталогни тахрирлаши лозим бўлади. Агар бунинг ўрнига каталог маълумотларини релятсион маълумотлар базасида сақланса каталогдаги ўзгаришларни маълумотлар базасидаги товар ёки нарх ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш йўли билан реал вақт масшабда эълон қилиш имконияти туғилади.

2.2. Электрон қўлланмалар яратишда мультимедиали технологиялардан фойдаланиш.

«Мультимедиа» атамасининг асосий маъноси мульти муҳитни англатади. Аммо «мультимедия» тушунчасининг аниқ таърифи маълум эмас. Одатда, мультимедия деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Айни вақтда бу аввало, товушлар, видео элементларни қайта ишловчи воситалардир. Шу билан бирга мультимедия (анимация) ва юқори сифатли графика ҳолларида ҳам мультимедия ҳақида гапириш мумкин. Келажакда мультимедия воситалари маълумотнинг бошқа турлари, масалан, виртуал воқеилик билан ишлаш имконини бериши эҳтимолдан холи эмас.

Информацион таъминотда мультимедия

Мультимедия принципларида қурилган электрон маълумотнома (справочник)лар, энциклопедиялар, таржимонлар ва луғатлар кишини ҳайратга солади. Тарих, география, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳалар бўйича турли электрон энциклопедиялар мавжуд.

Таълим соҳасида мультимедия

